O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

1998 йил, 17 ноябрь, сешанба № 137 (1089). Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Вторник, 17 ноября 1998 г. № 137 (1089). В розницу — цена свободная
Газета издается с 24 июня 1992 г.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин

САМАРҚАНД ВА НАВОИЙ ВИЛОЯТЛАРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚЕНГАШЛАРИНИНГ ЯҚИНДА БЎЛИБ ЎТГАН НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯЛАРИДА МУҲОКАМА ЭТИЛГАН МАСАЛАЛАР КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВГА ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ РАИСИ АБДУСАИД КУЧИМОВ БИР НЕЧА САВОЛ БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛДИ.

ИУЛБОШЧИМИЗ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ҚАЙТАРАР ЭКАН, МАЗКУР ИИҒИЛИШЛАРДА КЎТАРИЛГАН МУҲИМ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ, СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР ҲАҚИДА БАТАФСИЛ ФИКР БИЛДИРДИ.

ҚУИИДА ШУ СУҲБАТ МАТНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.

САВОЛ: Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, куни кеча Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди. Жамоатчилигимиз бу анжуманларда муҳокама этилган масалалардан оммавий ахборот воситалари орқали етарлича маълумот олди, одамлар ўз муносабатларини ҳам билдирмоқдалар. Шу билан бирга, ҳар икки сессияда Сизнинг чиқишингизни кузатар эканмиз, айниқса «юрагимни бўшатишни истардим-у, майли...» деган сўзларингизни эшитганда, журналист сифатида ватандошларимизга яна айтмоқчи бўлган қатор фикрларингиз борлигини сезгандек бўлдим...

ЖАВОБ: Ҳақиқатан, халқимиз гувоҳ бўлганидек, ҳар икки сессия ҳам кескин, танқидий руҳда ўтди. Мазкур вилоятларнинг раҳбар ходиралари вужудга келган носоғлом муҳит ҳақида аччиқ, аммо ҳаққоний сўзлар айтилди. Бундай ноқобил одат тусига кириб қолаётган ачинарли ҳолатлар бугунги ҳаётимиздаги ижтимоий муҳитнинг бузилишига ва аҳолининг адолатга бўлган ишончининг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бу фикрлар аслида амал курсисидан кетаётган кимсалар учун эмас, шу вилоятларда яшаётган меҳнаткаш, адолатга ташна инсонлар, ҳаётга эндигин кириб келаётган ёшлар учун, миллатимиз, халқимизнинг эртанги куни ҳақида қайғуриб айтилди, десак, хато бўлмайди.

Шу йиғилишларда тилга олинган маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг баъзи бир жиҳатларини қисқача изоҳлаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки улар бизнинг бугунги ҳаётимиз, олга қараб қилаётган ҳаракатларимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Умрим давомида орттирган озми-кўпми ҳаётий тажрибаларим асосида шундай хулосага келдимки, дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар кўп. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзотнинг кимлигини, унинг қиёфаси ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди.

Шу хусусда кўп ўйлайман. Мансаб деганлари қандай сирли, бетизгин куч эканки, нега у манаман деган, ақлли-ҳушли, оқ-қорани таниган, туппа-тузук инсонларнинг эл-юрт, давлат ишониб топширган ваколатларни суиистеъмол қилишига, инсофини йўқотишига олиб келади, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик, коррупция каби иллатлар домига тортади? Бунинг сабаблари нимада? Бу ярамас иллат қаердан, қандай пайдо бўлади? Бу хунук, аянчли аҳволни қандай қилиб бартараф этиш, жамият танасига қандай ёпишган бу балодан қай тариқа халос бўлиш мумкин?

Бу касаллик илдизи хонлар, беклар, қозилар, мингбоши-юзбошилар ҳукм сурган олис замонларга бориб тақалади. Балки халқ эртакларидаги порахўр амалдорлар, Абдулла Қодирий тасвирлаган ришватга ботган хон мансабдорлари ёки бўлмаса Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур «Ўғри» ҳикоясида қаламга олинган воқеалар фақатгина бадиий тўқима маҳсули эмасдир?..

Айни чоғда тарихимизнинг турли саҳифаларини кўздан кечирганда, халқимиз маънавияти билан боғлиқ шундай маълумотларга дуч келасизки, улар ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар, таъмагирликдан нафратланиш, камтарлик, адолатпарварлик сингари туйғулар миллатимизга хос энг олижаноб фазилатлар эканидан далолат беради. «Бировнинг ҳаққи», «қиёмат қарз», «пешона тери», «молимардумхўр» деган сўзлар бунинг яққол ифодасидир.

Биргина мисол.

Маълумки, Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо темурий ҳукмдорлардан бири эди. Бобур ўз хотираларида отасининг нақадар адолатли ва ҳалол одам бўлганини кўрсатувчи шундай маълумотни келтириб ўтади. Қай бир йили Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилик карвон Ўш тоғларида қор кўчкини остида қолиб ҳалоқ бўлади. Умаршайх Мирзо дарҳол одамларини юбориб, карвоннинг юкларини назорат остига олдиради. Эгалари ҳалоқ бўлган шу молларни икки йилдан зиёд эҳтиётлаб сақлайди. Хуросон ва Самарқандга махсус одам юбориб, карвон эгаларининг меросхўрларини дараклатиб топтиради ва уларни ўз мамлакатига чақиртириб, молларни тўлалигича қўлларига топширади.

Бундай мисолларни ўтмишдаги оддий одамлар ҳаётидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Худога минг шукурки, ҳозир ҳам ҳаётимизда шу эзгу тушунчалар барқарор ва устувор. Шунинг учун ҳам биз йўлимизда тўсиқ бўлиб турган, халқимизнинг, фуқароларимизнинг ҳақли равишда норозилиги ва қаҳр-ғазабига сабаб бўлаётган баъзи бемаъни ишларни таг-томири билан йўқотиш ҳақида очиқ, ошкора гапиряпмиз.

Чунки замонавий дунёқарашимиз, маънавий тамойилларимиз, урф-одатларимиз, кўникмаларимиз янгича асосда шаклланаётган ва шубҳасиз эртанги авлод таълим-тарбиясига асос бўладиган ижтимоий-ахлоқий қарашларимиз вужудга келаётган бутунги ҳал қилувчи паллада бу нарса Президент сифатида мен учун ҳам, бутун халқимиз учун ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Дунёнинг кўп-кўп мамлакатлари, жаҳон халқларининг ҳаёти, тарихи, иқтисоди, сиёсати, фалсафаси, маданияти шуни кўрсатадики, ёвузликнинг, жумладан порахўрлик, ўғрилик, товламачиликнинг миллати, насл-насаби йўқ. Бу офат башарият бошига битган шундай ашаддий балоки, унинг салбий оқибатларини оламдаги жуда кўп давлатлар, юксак тараққий топган мамлакатлар ҳам ўз ўтмиши, бугунги ҳаётида кўриб-сезиб турибди.

Биз озодликка эришган илк кунимиздан бошлаб, ўз миллий давлатчилигимизни тиклашга киришган дастлабки пайтданоқ ният ва муддаоларимизни бутун дунёга очиқ-ойдин маълум қилганмиз: мақсадимиз аниқ — Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини

(Давоми 2-бетда).

МИНИСТР ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ Х. ТУРСУНОВ:

«ВОСПИТЫВАТЬ У ВОИНОВ ВЕРНОСТЬ БОЕВОМУ ЗНАМЕНИ, СВЯЩЕННУЮ ЛЮБОВЬ К РОДИНЕ»

22 ноября исполняется пять лет с того памятного дня, когда Президент страны—Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами Ислам Абдуганиевич Каримов подписал Указ «О Боевом Знамени воинской части Вооруженных Сил Республики Узбекистан». Оглядывая мысленным взором прошедшие годы и всматриваясь в сегодняшнюю повседневную жизнь Вооруженных Сил, мы отмечаем своевременность этого исторического шага, его важность и огромное политическое значение в деле воспитания наших военнослужащих.

Нельзя вступать в будущее с опозданием. А мы уже тогда, на заре становления Вооруженных Сил, думали о создании мобильных, хорошо обученных и технически оснащенных Вооруженных Сил, беспредельно преданных нашей независимой Родине. И именно тогда нам как воздух был нужен свой собственный, священный символ — Боевое Знамя воинской части.

Значение этого символа Вооруженных Сил глубоко раскрывается в 1 пункте Положения о Боевом Знамени, в котором, в частности, говорится: **«Боевое Знамя воинской части Вооруженных Сил Республики Узбекистан есть символ воинской чести, доблести и славы. Оно является напоминанием каждому военнослужащему Вооруженных Сил Республики Узбекистан о его священном долге преданно служить Родине, защищать её мужественно и умело, стойко оборонять каждую пядь родной земли, не щадя своей крови и самой жизни».**

По долгу службы мне приходится регулярно бывать в соединениях и частях, присутствовать на торжественных армейских ритуалах, и я всегда с глубоким удовлетворением отмечаю: наши воины — настоящие патриоты своей независимой Родины, ими с полным основанием может гордиться наш народ.

Участвуя недавно в принятии молодым пополнением Военной присяги и наблюдая церемонию выноса Боевого Знамени, я невольно отметил, что не только у меня и у присутствовавших тут седовласых ветеранов, у офицеров, но и у молодых воинов как-то непроизвольно появились стройная осанка, приподнятое настроение и глубокое чувство гордости за свою великую Родину и ее героическую историю.

Действительно, у нашего Боевого Знамени глубокие корни. Они уходят в глубь веков, к голубому цвету знамени государства Амира Темура и от него — через толщу столетий — к светлым дням нашей независимости, соединяя воедино традиции великих предков, опыт героев-фронтовиков и воплощая в себе воинскую доблесть, честь и славу народа.

Боевое Знамя вручается воинской части от имени Президента страны представителями Министерства обороны, подчеркивая тем самым его огромную значимость.

Боевое Знамя является важнейшим, стабилизирующим фактором, поднимающим дух воинов, вдохновляющим их на подвиги. Оно всегда находится со своей частью, а на поле боя — в районе боевых действий части.

Боевое Знамя венчает победу в бою и успехи в боевой и общественно-политической подготовке. Быть верным Боевому Знамени — высокая честь и святая обязанность каждого военнослужащего.

Воины Вооруженных Сил Республики Узбекистан доказывают свою верность Боевому Знамени всей своей воинской службой, самоотверженным выполнением стоящих перед ними задач. 1998 учебный год они завершили хорошими результатами в боевой и общественно-политической подготовке, в укреплении воинской дисциплины, организованности и порядка. В ходе боевой учебы они приобрели новые знания, закрепили профессиональные навыки, закалились духовно и физически. На занятиях в учебных классах, на полигонах, в поле, во время полетов продолжалось совершенствование боевой выучки, оттачивалась боевая слаженность подразделений и частей, осваивались способы боевых действий в различных условиях боевой обстановки.

Огромную роль в закреплении профессионального мастерства военнослужащих сыграло проведение командно-штабных учений, тактических учений с боевой стрельбой, совместных миротворческих учений в рамках программы «Партнерство во имя мира». Свою высокую выучку воины-узбекистанцы показали и в ходе крупномасштабных миротворческих учений «Центразбат-98», явившихся наглядным свидетельством всевозрастающей боевой мощи и боевой способности наших Вооруженных Сил.

Всё это, несомненно, — плоды повседневного настойчивого и целеустремленного труда наших офицеров, прапорщиков и всего личного состава Вооруженных Сил, способных сегодня решать сложные и ответственные задачи современной военно-политической обстановки, быть гарантом мира и стабильности в Центральноазиатском регионе.

(Окончание на 2-й стр.)

● 18 НОЯБРЬ — ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТАСДИҚЛАНГАН КУН

Ўзбекистоним байроғи—менинг байроғим

Ер юзининг деярли барча давлатларининг ўз байроғи бор. Ҳар бир давлатнинг байроғи давлатнинг юраги ҳисобланиши Президент қароргоҳи, ҳукумат уйлари ва бошқа маъмурий бинолар тепаларида ҳамиша порлаб туради. Ҳар бир давлатнинг байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида ҳам бор. Ҳар бир давлатнинг байроғи ўша давлат фуқаролари учун энг азиз, энг муқаддас ва энг чиройлидир. Шунинг учун ҳам байроқ кўз қорачиғидай асраб-авайланади, қўриқланади. Байроққа ҳурмат — давлатга ҳурматдир.

Ўзбекистонимнинг Байроғи, Ўзбегимнинг Байроғи, демак, менинг Байроғим Мустақиллик шарофати билан дунёга келди. Байроғимиз 1991 йил 18 ноябрда тасдиқланган. Эртага Байроғимиз етти ёшга тўлади. Маълумки, Байроқ давлатнинг рамзларидан бири ҳисобланади. Байроқда ўзига хос ранглар акс эттирилади.

Ўзбекистоним Байроғидаги рангларга тўхталадиган бўлсак: мовий ранг—мусаффо осмон ва тиниқ сув рамзидир. Оқ ранг — тинчлик ва поклик тимсолидир. Яшил ранг — она табиатнинг тимсоли. Қизил ҳошия — томиримизда уфуриб турган қон — ҳаётий куч, ҳаёт рамзи. Ҳилол ва юлдузлар мусаффо осмондан дарак. 12 юлдуз — 12 ўлка демакдир.

Қаерда, қачон Байроғимизнинг ҳилпираб турганини кўрсам, кўз олдимда отаонам, қариндош-уруғларим, юртдошларим, Ўзбекистонним гавдаланади. Юрагимга шодлик киради, юрагимга қувонч киради.

Америкада юрган чоғларимда, Сан-Антонио шаҳрида бир гуруҳ чет элликлар сайр қилиб юрган эдик. Шунда германиялик бир дўстим ёнимга шошиб келди:

— Юринг, сизга Ўзбекистоннинг Байроғини кўрсатаман.

Биргаликда савдо марказига кирдик. Бир қатор мамлакатлар байроқлари орасида Ўзбекистонимнинг ҳам Байроғи бор экан.

Бир шодлигимга ўн шодлик қўшилди. Байроғимизни таниётганлар — ўзбеклари, Ўзбекистонни таниянти.

Байроғимиз Ўзбекистонимнинг шаън-шавкатидир.

Ўзбекистонимнинг Байроғи — менинг Байроғим ҳамиша порлаб турсин!

Капитан А. ОБРУЕВ.

Важнейший символ нашего государства

18 ноября 1991 года был принят Закон «О государственном флаге Республики Узбекистан».

Вспоминается незабываемый 1991 год... Важнейшие события следуют одно за другим. Прошло лишь неполных три месяца с того дня, как была провозглашена независимость Узбекистана, еще не все из нас осознали все величие этого исторического события, а внеочередная сессия Верховного Совета страны уже утвердила Государственный флаг Республики Узбекистан.

История сохранила для нас примечательный факт. Сразу после голосования за новый Государственный флаг все депутаты и гости сессии встали и долго аплодировали новому флагу, с первых минут утверждая его высокое значение и уважение к нему как важнейшему символу нашего государства. Тогда Президент И. А. Каримов сказал: «Сегодня свершилось историческое событие — мы приняли новый флаг».

Теперь, спустя семь лет, все уже привыкли к тому, что флаг нашего государства в соответствии с законом постоянно развевается на зданиях:

— аппарата Президента Республики Узбекистан;

— Олий Мажлиса Республики Узбекистан;

— Кабинета Министров Республики Узбекистан;

— Жоқарғы Кеңеса и Кабинета Министров Республики Қарақалпақстан;

— местных Советов народных депутатов Республики Узбекистан;

— постоянных представительств Республики Узбекистан.

Наш Государственный флаг гордо реет у здания Организации Объединенных Наций, утверждая суверенность и независимость нашей страны, ее равенство среди государств мирового сообщества.

Наш Государственный флаг — постоянный атрибут в праздничные дни, в дни выборов Президента страны, народных депутатов, в дни референдумов и торжественных встреч представителей глав государств и правительств иностранных держав и во многих других случаях, предусмотренных законом.

Наш Государственный флаг представляет собой прямоугольное полотнище из трех горизонтальных полос насыщенного голубого, белого и насыщенного зеленого цветов во всю длину флага. По краям белой полосы, расположенной в середине флага, проходят две красные линии. И главное отличие — на верхней голубой части флага, на лицевой и оборотной сторонах, у древка изображены белый полумесяц и рядом с ним двенадцать белых пятиконечных звезд.

Что означают эти цвета и эти звезды?

Голубой цвет на Знамени — символ вечного неба и воды как главных источников жизни на земле. Кстати, голубой цвет был цветом знамени государства Амира Темура. Другими словами, голубая полоса нашего Государственного флага символизирует жизненность нашей независимой республики и ее историческую преемственность.

Белый цвет — традиционный для нашего народа символ мира, пожелания доброго пути (ок йўл), стремления к нравственной чистоте помыслов и действий.

Зеленый цвет — цвет пробуждающейся природы, новой жизни, цвет плодородия. Он является естественным и жизненно необходимым. Зеленый цвет также символизирует тесную связь истории, нашей сегодняшней жизни с современным движением «Зеленых» за охрану окружающей среды.

Красные линии по краям белой полосы — это жизненная сила, неиссякаемо текущая внутри каждого живого организма, связывающая наши добрые помыслы с вечным небом, природой и нашими делами на земле.

Молодой полумесяц символизирует нашу связь с историческими традициями и одновременно рассматривается как символ вновь родившейся молодой независимой республики.

И, наконец, 12 звезд. Звезды у всех народов — символ безоблачного неба. У нас на Государственном флаге их двенадцать, что также свидетельствует о связи с нашими историческими традициями, с нашим лунным календарем, начинающимся с Навруза. Названия 12 месяцев этого календаря — хамал, савр, джавза, саратон, асад и другие — являются одновременно названиями двенадцати созвездий на небе. По звездному каталогу Улугбека, научная обоснованность которого признана во всем мире, движение Солнца по небосводу в течение года точно определялось по расположению 12 созвездий. Кроме того, в восточной философии цифра «12» считается признаком всеохватности и совершенства, и изображение ее на нашем Государственном флаге следует понимать как символическое стремление к всеохватности и совершенству.

И еще. Давайте обратимся к эпохе Амира Темура. В наставлениях его учителя Мирсанда Барака, в трудах знаменитого историка Хондамира, да и в знаменитом «Уложении» Амира Темура цифра «12» всегда выступает как символ, основа, критерий. В частности, она символизирует 12 правил, которыми руководствовались при управлении страной. Среди этих правил — правдивость, справедливость, терпимость к инакомыслию, нравственность, доблесть, преданность и другие непреходящие общечеловеческие ценности.

Таким образом, Государственный флаг Республики Узбекистан несет в себе символику историчности и содержательности. Вот по-

(Окончание на 3-й стр.)

● ОБУНА-99

„Ватанпарвар“ газетаси муштарийларига!

Азиз газетхонлар!

Ўз номига монанд «Ватанпарвар» газетаси ҳамиша сиз билан. Ишонтириб айтамизки, бу йил ҳам «Ватанпарвар» газетасига обуна бўлиб хато қилмайсиз.

«Ватанпарвар» нафақат ҳарбийларимиз орасида, балки мамлакатимизнинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишилари ўртасида ҳам йилдан-йилга оммавийлашиб бормоқда. Редакция ижодкорлари газетанинг янада қизиқарли бўлишини таъмин этишга, унда Қуролли Кучларимиз ҳаётини, жанговар фаолиятини, мустақил Ватанимиз ижтимоий ҳаётида бўлаётган муҳим воқеаларни, халқаро майдондаги энг сўнгги ўзгаришларни кенгроқ ёритишга ҳаракат қилишаётир. Келгуси йилда янги-янги рукнлар, халқимиз ибораси билан айтганда, «теша тегмаган» мавзулар сизни кутмоқда. Етти ёшга қадам қўйган газета сизнинг энг яқин сирдошингиз, ҳамкорингиз бўлади. Обуна бўлишга шошилинг!

«Ватанпарвар» газетасига (индекс 114 ва 115) «Ўзбекистон почтаси» давлат ҳиссадорлик компаниясининг жойлардаги алоқа бўлимлари ёки бевосита газетамиз босмахона-нашриёти орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Обуна ташкилотчилари икки нусхада буюртма, тўлдирилган абонемент, етказиб берувчи варақа, пул кўчирилганлиги ҳақидаги банк қоғозларини почта орқали жўнатишлари ёки нашриётнинг обуна бўлимига олиб келишлари мумкин.

Манзилимиз: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Кунаев кўчаси, 21.

«Ватанпарвар» газетасига обуна ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг РКЦ Тошкент шаҳар бошқармаси орқали амалга оширилади. Ҳисоб рақами № 21506000200447951001. Банк коди (МФО) — 00014.

Индификацион рақами 201088604.

Тошкент шаҳрида газетамизнинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

1 ойга — 155 сўм;
3 ойга — 465 сўм;
6 ойга — 930 сўм;
12 ойга — 1860 сўм;

«Ватанпарвар» газетасига обуна қиймати каталог баҳосидан ва ҳар бир вилоятнинг нашрни тарқатиш билан боғлиқ сарф-харажатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Обуна ҳақидаги тўлиқ маълумотни маҳаллий почта бўлимлари ёки обуна қабул қилиш пунктлари орқали олишингиз мумкин.

Газетамизни бевосита босмахона-нашриётга келиб олишни хоҳловчи ҳарбий қисм ва муассасаларга обуна баҳоси:

1 ойга — 138 сўм;
6 ойга — 798 сўм;
12 ойга — 1596 сўм.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш — бош вазифамиз. Бу жамиятда **халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилиши** — асосий қоида.

Биз ана шу тамойил ва йўл-йўриқларни ҳаётимизнинг мазмун-мундарижасига айлантириш учун интиляпмиз. Энг муҳим гап шуки, бошлаган барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта — **адолатли жамият барпо этиш.**

«Адолат» сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрнатишда.

Айниқса, раҳбар адолатли, эзу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Аввалларҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: **халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.**

Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан тортиб Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган «Сиёсатнома» деган асарда подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қозию қуззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси **«қўю қўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, ҳаром қўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборат»,** деб кўрсатилган.

Ҳар сафар шу каби ҳикматли фикрларни ўқиганимда чуқур ўйга толаман. Қани эди, шу сўзлар ҳар бир раҳбарнинг, амал курсисида ўтирган катта-кичик мансабдорларнинг иймон-эътиқодига айланса, деб орзу қиламан.

САВОЛ: Фикрингизни бўлганим учун узр. Сиз доимо эзгу орзу-ниятлар билан яшаш, ҳаракат қилиш деган тушунчаларни иймон, эътиқод, охират каби тушунчалар билан ёнма-ён қўйиб мушоҳада юритасиз. Бунда қандай маъно бор?

ЖАВОБ: Гапингизни тушундим. Лекин мен саволингизга жавобни саволдан бошласам. Ота-боболаримиздан қолган мана шундай доно ўгитлар, Қуръони Карим, Ҳадислар нима учун хизмат қилиши керак? Ахир улар бизга, эй банда, сен — одамсан, сени Оллоҳ таоло инсон қилиб яратган, шунга муносиб бўл, юриш-туришинг, хатти-ҳаракатинг, ҳаётинг инсонлик шаънига, инсонлик номига яраша бўлсин, деган фикрни англатиш учун керак эмасми?

Менинг комил ишончим шундан иборатки, дунёда **адолат қонуни** мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолаверса, одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочасан?

Агар одам охиратдан қўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди.

Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, **адолат тамойилини устувор принцип сифатида эътироф этамиз.** Ва ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан ортга қайтаролмайди. Самарқанд ва Навоий вилояти сессияларида айтилган фикрлар бунинг яна бир бор тасдиғидир.

САВОЛ: Сизнинг шу йиғилишлардаги маърузаларингиз, ҳозирги гапларингизни эшитганда табиий бир савол туғилади. Йўлимиз тайин, тараққиёт дастуримиз аниқ бўлса, нима учун ҳаётимизда инсон табиатига тўғри келмайдиган ана шундай номақбул, эски асоратлар ҳанузгача учраб турибди?

ЖАВОБ: Биз бугун афсус-надомат билан фикр юритиб, бартараф этиш чораларини излаётган нохуш ҳолатни вужудга келтирувчи асосий сабаб шундан иборатки, кўп ҳолларда давлат ҳокими, давлат хизматчиси, яъни давлат ваколатидан фойдаланадиган амалдор шу ваколатни суиистеъмол қилишга интилади. Нима учун? Чунки мансабдорни ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиши учун қутқу соладиган омиллар кўп. Чунки унинг қўлида ваколат бор, куч бор. Ана шундай ҳолда нопок ходим давлатни ниқоб қилиб, моддий бойликларни тақсимлаш, ишлаб чиқариш соҳасига қўшилиш, кадрлар масаласини ҳал этиш каби нозик масалаларга аралаша бошлайди. Бундай муҳим масалаларда давлатнинг таъсири ва амалдорларнинг роли қанчалик кўп бўлса, у шунчалик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу фикрни кўплаб давлатлар тажрибасида ҳам, тарихий фактлар мисолида ҳам исботлаб бериш мумкин. Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган.

Бугун биз бошимиздан мураккаб бир давр — яъни ўтиш даврини кечираётганда, эски маъмурий-буйруқбозлик, мансабдорларнинг чексиз ҳукмронлиги замонидан янги озод жамият, эркин иқтисод, демократик тузум сари қадам қўяётган бир пайтда бундай қусурларнинг юзага қалқиб чиқиши ҳам табиий бир ҳол. Янада соддароқ айтганда, эски тизим қонунлари ўз кучини йўқотиб, янги тизим, янгича ҳаёт кечириш, ишлаб чиқаришни, ижтимоий турмуш соҳаларини бошқаришнинг янги қонунлари ҳали тўла кучга кирмагани, энг муҳими, одамларимизнинг тафаккурида ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй бераётгани, уларнинг янги тизим қоидаларини қийинчилик билан идрок этаётгани ва қабул қилаётгани ҳам шу каби салбий ҳолатларни кучайтирмоқда.

Бу вазиятдан чиқиш, вужудга келган аҳволни бартараф қилиш, ҳар қайси жамоа ва минтақада соғлом ижтимоий муҳит ташкил этиш борасида турли хил фикрлар билдириш мумкин. Баъзилар, ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари, маъмурий идораларнинг кучини ошириш керак, дейиши мумкин. Яъни, текширувчилар сонини кўпайтириш, керак бўлса, ҳар бир мансабдорнинг ёнига биттадан назоратчи қўйиш зарур, дегувчилар ҳам йўқ эмас.

Аммо воқелик, кундалик ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, текширувчилар устидан текширувчилар қўйган билан порахўрлик иллати камаймайди, аксинча, баттар авж олади. Қолаверса, биз бундай даврларни бошдан кечирганмиз. Бир эслаинг, шўро замонида қанчадан-қанча текширувчи идоралар бор эди: давлат контроли, халқ контроли, уларнинг устидан текширадиган партия контроли. Жойларда, шаҳар-туманларда уларнинг ажириқдек тармоқлаб кетган яна кўпдан-кўп бўлимлари мавжуд эди. Бундан ташқари, райком бюролари, милиция, прокуратура, КГБ, ОБХСС...

Мана шундай тоталитар назорат муҳитида ҳам зўравонлар ўз билганидан қолмаган порахўрлар ўз қилмишини давом эттираверган. Бундай иллатлар айниқса, коммунист мансабдорлар орасида ўтакетган даражада авж олган эди.

Биз бугун турли хил назоратчилар, текширувчилар, терговчилар ва шунга ўхшаганларнинг сонини қанча кўпайтирсак, ишончим комилки, порахўрлик баттан авжига чиқади.

САВОЛ: Бундай ҳолатларнинг олдини оладиган, уларнинг давлат ва жамият манфаатларига етказадиган зарарли таъсирини бартараф этадиган восита борми? Бу масалада бизнинг йўлимиз қандай бўлиши керак?

ЖАВОБ: Менинг назаримда, бу муаммонинг ечими қуйидагилардан иборат.

Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан ҳоли бўлган, замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак.

Иккинчидан, ижтимоий ҳаётда демократия талаблари ва тамойилларини тўла қарор топтириш, давлат ва давлат идоралари ишини демократик принциплар асосида ташкил этиш. Бунда бутун дунё тажрибасида ўзини оқлаган усул — ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятидан иборат мустақил уч тизимга тақсимлаш ишини амалда рўёбга чиқариш зарур. Жойларда ҳам ҳар қайси бўғинда шу тақсимот оғишмай жорий этилмоғи шарт. Бу уч тизим бир-бирининг ишига аралашмасдан, бир-бирини назорат қилган ҳолда фаолият олиб боришига эришиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — **халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир.**

Мана шу принциплар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган тақдирдагина ҳар хил суиистеъмолликларга қарши самарали ва изчил кураш олиб бориш мумкин.

Бугун биз тўқнаш келган вазиятни тубдан ўзгартиришнинг **яна бир муҳим шарти — бу мулк масаласини ҳал қилишдир.** Яъни, мулк ўз эгасини топиши даркор. Ҳаётимизда ва ишлаб чиқаришда хусусий мулк бошқа мулк шакллари — давлат мулки, жамоа мулки, акционерлик мулки ва ҳоказолар орасида асосий устувор ўринни эгаллаши керак. Қачонки, шу мақсадни тўла амалга ошира олсак, давлат мулки ҳисобидан ўғирлик, талон-тарож қилиш, ундан нопок йўлда фойдаланиб меҳнатсиз даромад орттириш каби бемаъни ишларга чек қўйиш мумкин бўлади. Аминманки, ҳеч ким ҳеч қачон ўз мулкини ўғирламайди ёки ўз мулкига хиёнат қилмайди. Бу — ақлга сиғмайдиган ҳодисадир.

Хусусий мулкдор устидан назоратчининг ҳам кераги йўқ. Чунки бош назоратчи — унинг ўзи. Қонун асосида ишласа бас, ўз вақтида солиғини тўлаб борса, бўлди. Қанча даромад топса, топаверсин.

Муаммонинг **тўртинчи** ечими шундан иборатки, биз жамиятимизда ҳақиқий маънодаги кўп партиявийлик муҳитини тезроқ шакллантиришимиз зарур. Чунки партиялар, турли хил нодавлат ташкилотлар дегани — бу жамоатчилик дегани. Демак, кенг жамоатчиликнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсирини, ўрни ва ваколатини, ҳуқуқини кучайтириш, унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш лозим.

«Тафаккур» журналида эълон қилинган суҳбатда билдирилган «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» деган фикримнинг моҳияти ҳам аслида шу.

Биз адолатли, демократик жамият қурмоқчи эканмиз, бир ҳақиқатни асло ёддан чиқармайлик: **тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда пешқадам зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намояндаларининг, масъул хизматчиларимизнинг гайрати, жасорати, ақл-заковати билан рўёбга чиқадиган мураккаб ишдир.**

Бу борадаги энг муҳим ва оғир масалалардан бири шуки, демократик тамойилларни жорий этишда асрлар синовидан ўтган, бугунги ҳаётимиз талабларига хизмат қиладиган, танлаб-саралаб олинган миллий қадриятлар ва умумбашарий тажрибаларни табиий равишда уйғунлаштира олишимиз лозим.

Масаланинг **яна бир сири** фикр эркинлиги, сўз эркинлиги билан боғлиқ. Жамият аъзолари ўз фикрини эркин ифода эта билиши, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, шу ҳуқуқларнинг амалда таъминланиши учун кафолат яратиш — бизнинг бугунги энг муҳим вазифамиз бўлиши лозим. Одамларнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеини эгаллаши даркор.

Яна такрор айтаман: агар жамият назоратини ташкил этолмасак, яъни жойларда давлат идоралари устидан жамоатчиликнинг назоратини ўрнатишга эришолмасак, бундай нохуш ҳолатларни тағ-томири билан тугатишнинг имкони бўлмайди. Бу касаллик, бу балога қарши курашишнинг бундан бошқа йўли йўқ.

Бунга эришиш учун эса аввало жамоатчилик вакилларининг сиёсий, ижтимоий саviясини ўстириш керак. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. **Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш** асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Бугун одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Самарқанд ва Навоийда бўлиб ўтган сессияларда кўтарилган масалалар муҳокамаси мен учун нақадар оғир кечганини, юрагимга нақадар қаттиқ ботганини яшириб ўтирмайман.

Шу йиғилишларда ҳозир бўлган депутатлар ва иштирокчилар олдида сўзлаганда мен миллионлаб одамларимиз, бутун заҳматкаш халқимизни кўз олдимга келтириб, хаёлимда уларни тасаввур этиб гапирганимни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, доно, меҳнаткаш, сабр-тоқатли халқимиз оқ билан қорани аҳрата олиш фазилатига эга, энг муҳими, унга тўғри йўл кўрсатилса, адолат тарозиси одил ва маҳкам тутилса, ҳар қандай синовдан ёруғ юз билан ўта олиши муқаррар.

Оддий бир фермер, шифокор, ўқитувчи ё бўлмаса, Нуротанинг чекка бир қишлоғи вакиласининг мамлакат Президентига ишонч, ҳурмат билдириши билан бир қаторда минбарга чиқиб, ўз фикрини эркин, дадил ифода этиши мени қувонтирди. Ана шундай дамларда умрим, борлиғим мазмуни бўлган — озод, демократик, фаровон жамият қуриш йўлидаги ҳаракатларим мева бераётганидан, тобора оммалашаётганидан, юртимизнинг энг олис жойларида ҳам ўз тарафдорларини топаётганидан кўнглим таскин топди. Шундай одамлар, шундай халқимиз бор экан, улар билан ҳар қандай қийинчиликларни, ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш мумкинлигини ҳис этиб, кучимга куч қўшилди.

Очиқ айтиш керакки, рўй берган бу жирканч ишларнинг сабабларидан бири — маънавият, таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган ишларимизнинг ҳали талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Қатъий ишонч билан айтиш лозимки, маънавий бойлик — **моддий бойликдан минг бор устун.** Шу боис биз таълим-тарбия масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндашмоқдамиз. Кадрлар тайёрлаш ҳақида қабул қилинган Миллий дастур ҳам моҳият эътибори билан шу мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Такроран айтаманки, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Кўриниб турибдики, бизнинг мақсад-вазифаларимиз, асло кечиктириб бўлмайдиган ишларимиз ниҳоятда кўп. Уларни амалга ошириш учун бутун халқимиз, жамоатчиликнинг куч ва саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур.

Биринчи галда соғлом фикрловчи, шу азиз Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор масъулиятни зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, фидойи, изланувчи ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш зарур.

Агар биз замон билан ҳамнафас яшамоқчи бўлсак, дунёдаги бошқа халқлар, бошқа миллатлардан кам бўлмасликни, аксинча, улар билан тенг, эркин, ҳамкор бўлиб умр кечиришни истасак, фарзандларимизнинг бахту камолини кўрмоқчи бўлсак, ҳаётимизда адолат, фаровонлик, маънавий собитлик қарор топишини хоҳласак, йўлимизда дуч келиб, улуғ ва эзгу ишларимизга ҳалал бераётган турли иллатлардан халос бўлишимиз, уларга қарши қатъият, сабот матонат, жасорат билан биргаликда кураш олиб боришимиз шарт.

Биз орзу қилаётган фаровон, озод ва обод ҳаётга эришишнинг асосий шарти шуки, унинг қонун-қоидаларига, талабларига бўйсуниб, риоя қилиб яшаш керак. Акс ҳолда умуминсоний тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб, яна ўша оғир муаммолар гирдобида қолиб кетиш хавфи бор.

Нақадар аччиқ бўлмасин, бу — ҳаёт. Бу — ҳақиқат. Бугун замон барчамиздан мана шу саволларга жавоб кутмоқда. Буни ҳаммамиз теран англашимиз ва унга муносиб жавоб беришимиз керак.

«ВОСПИТЫВАТЬ У ВОИНОВ ВЕРНОСТЬ БОЕВОМУ ЗНАМЕНИ, СВЯЩЕННУЮ ЛЮБОВЬ К РОДИНЕ»

(Окончание. Начало на 1-й стр.)

Вместе с тем в решении задач боевой и общественно-политической подготовки в текущем году у нас имелись и отдельные недостатки, упущения, нерешенные проблемы, которые сегодня требуют своего безотлагательного решения, усиления внимания к подготовке военных кадров, совершенствования процесса обучения и воспитания личного состава, повышения ответственности каждого военнослужащего за качественное выполнение стоящих задач.

1 декабря 1998 года Вооруженные Силы нашей страны вступают в новый учебный год — новый, ответственный период своего боевого совершенствования. Новый учебный год диктует и новые требования. Чтобы добиться высококачественного состояния в боевой учебе и боевой готовности, в соблюдении твердого уставного порядка, в воинской дисциплине, **необходимо выработать у наших военных кадров желание и умение работать по-новому, так, как этого требует Президент страны — Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами Ислам Абдуганиевич Каримов,** то есть поднять боевую учебу и воинское воспитание на уровень современных требований военной науки и войсковой практики.

Мы должны постоянно помнить, что идет процесс строительства и укрепления наших Вооруженных Сил. И сегодня мы уже далеко не те, что были годы назад. Неизмеримо вырос профессионализм личного состава, возрос уровень организации боевой учебы, повысилась боевая готовность, изменились лицо нашей армии, ее имидж. И главное — изменились люди, формирование которых как граждан страны шло уже в годы независимости. Поэтому и подходы к ним в обучении и воспитании должны быть адекватными. В наступающем новом учебном году нам надо основательно поднять уровень боевой учебы и воспитательной работы. Что для этого необходимо сделать в первую очередь?

Первое. Мы должны поднять оперативную и боевую подготовку войск, мастерское овладение всем личным составом Вооруженных Сил оружием и боевой техникой, способами ее эффективного применения в различных условиях боевой обстановки на качественно новую, более высокую ступень. В основу выполнения этого требования положить повышение ответственности военных кадров, высокий профессионализм и компетентность офицеров и прапорщиков, их инициативу и самостоятельность в решении вопросов воинской службы.

В организации качественной боевой учебы важно все — продуманное планирование, эффективный контроль за пунктуальным выполнением плана-графика мероприятий и расписания занятий, методическое мастерство руководителя занятий, неукоснительное выполнение распорядка дня и строгий спрос за его нарушения, а также постоянная забота о материально-техническом обеспечении занятий. Боевая учеба воинов требует повседневного внимания и творческого к ней отношения. Надо активно искать и внедрять наиболее эффективные приемы и методы освоения оружия и боевой техники, пути сокращения времени на выполнение боевых нормативов и приведение подразделений в боевую готовность.

Для нас важно не только сохранить завоеванные позиции в боевом совершенствовании, но и пойти вперед в решении стоящих задач, решительно поворачиваясь к конкретному, живому делу, упрочивая связи с подчиненными, максимально используя их энергию, знания, творчество. Родина доверила нам дело особой государственной важности — защиту Родины. И чтобы оправдать это доверие, нужно каждодневно, упорно и настойчиво овладевать ратным мастерством, свято выполнять свой воинский долг.

Второе. Успешное решение сложных и ответственных задач нового учебного года немыслимо без крепкой воинской дисциплины и строжайшего уставного порядка, сердцевину которых составляют глубокое знание и неуклонное выполнение требований воинских уставов и Военной присяги, повседневная требовательность и забота о подчиненных, строжайшая исполнительность. Без этого нет дисциплины, нет порядка, нет боеготовности.

Было бы неправильно думать, что борьба за крепкую дисциплину ведется ради самой дисциплины. Нет, эта проблема более значима, поскольку лежит в основе качественного выполнения стоящих задач. Вот почему **дисциплированность должна стать совестью каждого военнослужащего, его внутренней потребностью, важнейшей чертой его характера.** Жизнь, наша повседневная практика показывают, что в тех воинских коллективах, где поддерживается строгий уставной порядок, где воины воспитаны в духе высокой дисциплинированности, там на должной высоте боевая учеба и боевая готовность, там нет места таким позорным явлениям, как высокомерие, стремление переложить свои обязанности на плечи других, ущемление чести и достоинства младшего по званию или призыву, там нет нарушений воинских уставов.

Третье. Мы должны добиться, чтобы на полную мощность заработали наши воспитательные рычаги. У нас накоплен немалый опыт умелого проведения воспитательной работы. Но надо идти вперед. Нам важно максимально использовать в целях воспитания всю боевую учебу, памятуя о том, что обучение и воспитание — единый, взаимно дополняющий и взаимно обогащающий процесс. **Особое место в этом процессе занимает пример командира — его профессионализм, его компетентность, его организаторские способности, внимание к нуждам и запросам личного состава.**

Следует больше внимания уделять воспитательным аспектам в ходе боевой и общественно-политической подготовки. Обучая, воспитывать у воинов высокое чувство патриотизма, любовь к своей независимой Родине, уважение к военной профессии, гордость почетным званием защитника Родины. Умело раскрывать перед воинами героику ратных будней и активно прививать им постоянную готовность в любой момент выступить на защиту Отчизны.

В воспитательной работе **шире пропагандировать успехи нашей независимой Родины.** Ее достижения в политическом, социально-экономическом и культурном развитии. Ее растущий международный авторитет и усиление влияния в решении региональных и мировых проблем. С этой целью постоянно поднимать уровень и действенность таких оправдавших себя форм, как единые дни общественно-политических знаний, единые дни правовых знаний, шире использовать вечера вопросов и ответов, встречи с представителями хокимиятов, народными депутатами, учеными, в том числе и военными, представителями культуры и искусства. Надо всемерно развивать связь с народом. Эта связь с первых дней создания Вооруженных Сил была и остается доброй традицией. Нам надо умело использовать ее богатый патриотический и нравственный потенциал.

Следует также помнить, что если мы хотим добиться высоких и благородных целей в деле защиты нашей независимой Родины, **мы должны опираться на нашу духовность, на наследие великих предков, больше внимания уделять военной истории.** Сегодня важно понять, что для нас военная история — это не дань вчерашнему, не профессиональное любопытство, а мощное средство формирования у военнослужащих высокого морального духа, беспредельной преданности своей независимой Родине и постоянной готовности к ее защите.

В основу всей воспитательной работы положить широкое использование трудов Президента страны — нашего Верховного Главнокомандующего. Они — источник, питающий наше мировоззрение, нашу нравственность. Они — негасимый огонь, освещающий наш путь в будущее. Они — руководство в нашей повседневной деятельности, наш духовный и политический капитал.

Центр всей организаторской и воспитательной работы необходимо перенести непосредственно в воинские коллективы, где куется боевая готовность, закладывается фундамент крепкой воинской дисциплины и строгого уставного порядка, где с первых дней службы формируется солдат — подлинный и беспредельно преданный нашей независимой Родине защитник Отечества, мира и благополучия народа.

Отмечая славную дату в нашем военном строительстве — пятилетие указа Президента страны «О Боевом Знамени воинской части Вооруженных Сил Республики Узбекистан», **мы полны решимости сделать все для того, чтобы состояние боевой подготовки, профессионализм наших военнослужащих, боевая слаженность и боевая готовность Вооруженных Сил, организованность и воинская дисциплина были на уровне современных требований.**

Убежден, что, обращаясь постоянно к трудам и указаниям Президента страны, к наследию великих предков, к многовековой истории нашего народа, мы значительно повысим результативность нашей работы, поднимем боеготовность частей и подразделений и тем самым укрепим безопасность Родины, уверенно идущей по пути независимости, обновления и прогресса.

● ИХ НАГРАДИЛА РОДИНА

ВПЕРЕДИ—БОЛЬШАЯ РАБОТА

В жизни каждого офицера есть свои памятные даты. Для Алишера Исламова это — 31 июля. Именно в этот день в 1994 году он покинул Нукусский гарнизон, чтобы возвратиться служить в родное ТВОКУ. И именно 31 июля, но уже 1998 года состоялось его второе возвращение — он вновь прибыл в Нукус, теперь уже в качестве командира части.

На новом этапе служебной карьеры, когда подполковник А. Исламов с головой окунулся в водоворот командирских забот, его застало радостное известие — в канун 7-й годовщины независимости Узбекистана Указом Президента страны он был награжден медалью «Жасорат». Высокая награда Родины побудила офицера еще более самоотверженно служить во имя укрепления ее оборонной мощи.

Рабочий день командира с утра и до глубокой ночи заполнен заботами — помимо вопросов организации боевой учебы и быта воинов, в его компетенцию входит и взаимодействие с местными органами власти, хлопоты по объектам социальной сферы военного городка. Не раз с блеском решавшему оперативно-тактические задачи разной степени сложности, Алишеру Абдушукуровичу пришлось вникать и в разрешение спорных ситуаций в детском саду, школе. Но освоился. Теперь для него проблемы педагогов и воспитателей близки и понятны.

— Не завезли портфели первоклассникам, течет крыша в садике — по любому вопросу идут ко мне, — говорит подполковник А. Исламов. — Делить вопросы на главные и второстепенные не приходится.

Вдумчивым слушателем испытывающим большое стремление к учебе, проявил себя офицер А. Исламов и в Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Ему посчастливилось быть в составе первого выпуска этого учебного заведения. Приведем лишь короткие отзывы друзей и преподавателей.

Майор М. ЮНУСОВ, однокурсник:

— Подполковник Алишер Исламов был для нас примером в отношении к службе, образцом исполнительности и дисциплины. А еще его отличали высокая штабная культура, нестандартное тактическое мышление, умение работать с личным составом. Добавьте к этому отличную физическую подготовку, строевую выучку — получите полный облик лидера группы.

Полковник А. СЕРИЦКИЙ, начальник факультета Академии:

— Много упорного труда в повышение своего профессионального уровня приложили за годы учебы один из лучших наших слушателей — подполковники Ваходыр Ташматов, Равшан Тилляходжаев, Алишер Исламов.

Закончив с отличием Академию, Исламов получил назначение начальником штаба части в отдаленный гарнизон. В то время там наблюдалось значительное снижение показателей по боевой учебе и воинской дисциплине. В течение года вновь назначенному командиру полковнику Е. Алимухамедову и новому начальнику штаба подполковнику А. Исламову удалось изменить положение в лучшую сторону. И тут следует новое назначение, на более трудный участок.

А не возникло ли желания попытаться дипломатично отклонить предложение, сославшись на нехватку опыта, и продолжить наращивать успехи на уже уложенном «фундаменте»?

— Ни на минуту. Это же большое доверие, которое мне еще предстоит оправдать, — ответил Алишер Абдушукурович. — Знаю, будет еще сложнее, но ведь трудности только закаляют, а в их преодолении обретается бесценный командирский опыт.

Он знал, на что шел, выбирая нелегкую стезю военнослужащего. Уже в детстве, в родном Андижане, проявил себя лидером. Отец Абдушукур-ака и мать Саломатхон-ая вырастили и воспитали троих детей, из которых главной своей опорой считали (и считают) среднего — Алишера. Так сложилось, что и старшая сестра, и младший брат целиком полагались на него. Сызмальства ощутив на себе груз ответственности, нередко в трудные минуты задавал сам себе вопрос: если не я, то кто? И поэтому не понимал тех ровесников, которые мечтали о престижной, но необременительной профессии. Готовя себя к грядущим трудностям, активно занимался спортом — выполнил разряд по дзюдо, в последний школьный год увлекся парашютизмом, стал чемпионом Андижанской области. Позже эта физическая, психологическая закалка очень ему пригодилась.

В чем же видится ему главное направление в службе на новой должности?

— В работе с личным составом главный упор намерен сделать на развитии и совершенствовании командирских, профессиональных качеств офицеров гарнизона, — говорит подполковник А. Исламов. — К сожалению, в последние годы отдельные выпускники военных вузов приходят в войска слабо подготовленными именно в профессиональном отношении. Помню, беседовал как-то с офицером-танкистом, закончившим ЧВТКИУ. По знанию общевоинских уставов, боевой подготовке претензий нет, а вот по технической части «хромает»: не знает порядка консервации двигателя, не может сформулировать разницы между ходовой частью и силовой установкой. В моем родном ТВОКУ оставляет желать много лучшего общеобразовательный уровень некоторых выпускников.

Конечно, командиру части порой просто физически невозможно добраться до забот и проблем каждого солдата и сержанта в отдельности. Да, вопросы своевременного и качественного питания, обмундирования держатся под строгим контролем, но благополучие воинского коллектива определяют не в последнюю очередь здоровые внутренние взаимоотношения. Даже будучи накормлен и одет, солдат будет тяготиться службой, если почувствует несправедливое отношение к себе командиров и товарищей. И в то же время в обстановке товарищества и взаимовыручки, искренней заботы командиров никто не будет роптать по поводу временных бытовых неурядиц.

— Солдат самовольно покинул расположение — это уже сигнал о неблагополучии в военном коллективе, — развивает свою мысль командир. — Здесь уже многое зависит от личности офицера. Если командир взвода растерялся, не сумел найти нужного подхода к подчиненным, но переживает свою неудачу, то дело поправимо: поможем, где нужно — подскажем. Хуже — когда видишь равнодушное отношение к солдатам. Таким офицерам и прапорщикам нельзя доверять работу с личным составом.

Что ж, суровый вывод, но справедливый, продиктованный жизненным и служебным опытом.

...После отбоя жизнь в военном городке затихает. Лишь в кабинете командира части горит свет — вернувшись после объезда дальних подразделений, Исламов работает с накопившимися за день документами. Дома уже привыкли к поздним приездам главы семейства, только младшая из трех дочек упрямо не засыпает, дожидаясь прихода отца. А у того теперь намного больше стала «семья» — целая часть, за которую он в ответе.

Капитан А. КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвар».

Ташкент: Исполнительный совет ЮНЕСКО одобрил декларацию по культуре мира

ПАРИЖ, НОЯБРЬ 1998 г.

6 ноября в Ташкенте завершилась 155-я сессия Исполнительного совета ЮНЕСКО. Заключительное заседание руководящего органа ЮНЕСКО, проходившее в узбекской столице по приглашению правительства Республики Узбекистан, было полностью посвящено теме культуры мира.

